O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOSHKENT VILOYATI
NURAFSHON SHAHAR
HOKIMI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ТАШКЕНТСКАЯ ОБЛАСТЬ
ХОКИМ ГОРОДА
НУРАФШОН

111500, Нурафшон шаҳар, Тошкент йўли кўчаси, 55а-уй, тел.: (70) 76-25-822

ҚАРОР
РЕШЕНИЕ

2019 йил “4” февраль 69-сон Нурафшон ш.

Нурафшон шаҳридаги айрим маҳаллаларни бирлаштириш, уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси томонидан 2013 йил 15 мартда қабул қилинган, Сенат томонидан 2013 йил 28 мартда маъқулланган, 2013 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-350 сонли “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича янги тахрирдаги қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги 48-сонли қарори низом талаблари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 ноябрдаги ПҚ-3375-сонли қарори ва Тошкент вилояти хокимининг 2017 йил 6 ноябрдаги 649-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2017 йил 27 июлдаги 974-III-сон, 18 августдаги 1050-III-сон ва 1051-III-сонли, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2017 йил 27 июлдаги КҚ-211-III-сон, Олий Мажлис Сенатининг 24 августдаги СҚ-207-III-сон, СҚ-208-III-сон, СҚ-209-III-сон ва 25 августдаги СҚ-222-III-сон қарорлари, шунингдек Халқ депутатлари Нурафшон шаҳар Кенгашининг 2018 йил 27 декабрдаги IX/II-сонли қарорига асосан Нурафшон шаҳар худудида жойлашган Чиғирик ШФЙ, Чиғирик, Юксалиш ва Дехқонобод маҳалла фуқаролар йиғинларини бўлиш ва бирлаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунинг 6, 25-моддаларига мувофиқ

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Халқ депутатлари Нурафшон шаҳар Кенгашининг 2018 йил 27 декабрдаги IX/II-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Мазкур қарор билан:

Обод маҳалласи худуида қурилган 14 та кўп қаватли уйлар алохида “Янги обод” маҳалласи деб номланиши;

“Чиғирик” ШФЙдаги А.Навоий, Некрасова, Мустақиллик, Улуғбек, М.Горкий. Фуркат кўп каватли уйлар, Ойбек, Мукумий, Боткина, Бахор ва Тошкент йўли кўчасининг бир кисмини алохида маҳаллага бирлаштириб.

"Нурафшон" маҳалласи, Шевченко, Яшил йўл, Мичурин, Чернишевский, Наврўз, Фуркат ховлилар, Байналминал, Беруний, Низомий, Дўстлик, Бобур, Ғ.Ғулом, Спорт ва Тошкент йўли кўчасининг бир қисмини ягона "Ёшлик" маҳалласи номи берилганлиги;

Тошкент вилоятининг маъмурий маркази Нурафшон шаҳридаги "Ёшлик" маҳалла фуқаролар йиғинида 47 та татар оилалар истиқомат килаётганини инобатга олиб, ўзбек-татар халқларининг абадий дўстлик рамзи сифатида "Ёшлик" маҳалла фуқаролар йиғинидаги Байналминалчилар, Дўстлик, Низомий ва Беруний, кўчаларига атоқли Татаристон шоири Абдулла Тўкай номи берилганлиги;

"Чиғирик" МФЙдаги Дўстлик, Бахор, Шодлик, Пахтакор ва Хуррият кўчаларини алохида маҳаллага бирлаштириб, "Хуррият" маҳалласи, Тинчлик, Янги хаёт, Хақиқат ва Ёшлик кўчалари шунингдек "Бирлик" маҳалласининг Тошкент йўли кўчасини бирлаштириб ягона "Чиғирик" маҳалласи номи берилганлиги;

"Юксалиш" МФЙдаги 12 та 4, 10, 13, 14, 15, 16, 19, 20, 21, 22, 23 ва 24 сонли кўп қаватли уйларни бирлаштириб "Тараққиёт" маҳалласи, қолган 15 та 1, 2, 3, 5, 6, 7, 8, 9, 11, 12, 17, 18, 25, 26 ва 27 сонли кўп қаватли уйларни бирлаштириб ягона "Юксалиш" маҳалласи номи берилганлиги;

"Дехконобод" маҳалласи аҳоли пунктлари узоқлигини инобатга олган холда, Дехқонобод, Х.Юлдашев, Бобур, Бахт ва Пахтакор кўчаларини бирлаштириб "Дехконобод" маҳалласи, Дегантепа, Кўтарма, Қорақўйли 1 ва Қорақўйли 2 кўчаларини бирлаштириб ягона "Дегантепа" маҳалласи номи берилганлиги;

"Бирлик" маҳалласининг Навоий кўчаси "Оппоқ" маҳалласи ҳамда Тошкент йўли кўчаси "Чиғирик" маҳалласи тасарруфига ўтказилганлиги;

Нурафшон шаҳар "Гузар" маҳалласининг номини "Тўй-тепа" маҳалласи деб номланганлиги маълумот ва ижро учун қабул килинсин.

3. Шаҳар ҳокимлиги Ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари Ш.Махмудов, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича шаҳар Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари А.Ўтапов янгидан ташкил этилаётган маҳалла фуқаролар йиғинларини кўп йиллик тажрибага эга бўлган малакали кадрлар билан тўлдириш вазифаси топширилсин.

4. Шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими А.Қаршибоев янгидан ташкил этилаётган маҳалла фуқаролар йиғинларининг маъмурий-худудий чегараларини ўзгарганлиги муносабати билан белгиланган тартибда ер нақдлиги ҳисоботларига тегишли ўзгартириш киритсин.

5. Шаҳар молия бўлими Ш.Саримсаков янги ташкил этилаётган маҳалла фуқаролар йиғинларини давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг муассаса биноларини сақлаш бўйича штат бирликлари ва маблағ ажратиш чораларини кўрсин.

6. Шаҳар ҳокимининг ўринбосари Э.Мирхаликов, шаҳар ҳокимлиги бош ҳисобчиси И.Сабирова, хўжалик ишлари мудири И.Тошхўжаев, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини

мувофиқлаштириш бўйича шаҳар Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари А.Ўтапов янги ташкил этилаётган маҳалла фуқаролар йиғинларига бўш турган бино ва иншоотлар ажратиш, ажратилаётган маҳалла фуқаролар йиғинлари жойлашган бино ва иншоотларни, товар моддий бойликларни хатловдан ўтказиш чораларини кўрсин.

7. Мазкур қарор ижросини назорат килиш Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича шаҳар Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари А.Ўтапов зиммасига юклатилсин.

Шаҳар хокими **У.Раҳимов**